ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Қишлоқ ҳаёти

QiSHLO'Q HAYO'Ti

1996 йил 6 февраль СЕШАНБА № 10 (5.682) сотувда эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ЙЎЛИ

ДАВОС, 5 февраль (УзА махсус мухбири). Бу ерда ўтаётган жаҳон иқтисодий анжумани тадбирларини кенг ёритаётган Швейцария оммавий ахборот воситалари бу тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Президент Ислом Каримов бошчилигидаги делегацияси фаол иштирок этаётганини қайд этмоқда. Ўзбекистон анъанавий Давос учрашувида бешинчи марта қатнашмоқда. Бу учрашувга дунёнинг барча томонларидан давлат ва ҳукумат бошлиқлари, таниқли иқтисодчилар ва мутахассислар, савдо-саноат ва молия доираларининг намояндалари, журналистлар келган. Шарҳловчилар бу гал ҳам анжуманда кўплаб давлатлар вакиллари иштирок этаётганини, мазкур анжуманнинг жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлашмоқда.

Анжуманда бошланган мунозараларда жаҳон иқтисодиёти ва жаҳон бозорининг ҳозирги ҳолати ва тараққиёти истиқболлари билан боғлиқ муҳим масалалар, давлатлар иқтисодий тараққиётининг ана шу йўлда дуч келаётган қийинчиликларни бартараф этишга доир муаммолари муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг аъзолари «Жаҳон ақл-заковат ҳаракати» деб аталган бевосита баҳсларда иштирок этишди.

Президент Ислом Каримов Давосга келган дастлабки кундаёқ, ташрифнинг тиғиз дастурига мувофиқ, хорижий мамлакатларнинг анжуманга келган давлат ва жамоат арбоблари, йирик компаниялар ва банкларнинг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

«Ўзбекистон Республикасида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дадил қадамлар билан олға бораётгани аввало мамлакатингиз жаҳон иқтисодиёти билан муваффақиятли интеграция йўлида катта имкониятларга эгалигидан далолат беради», — деди мухбирингиз билан суҳбатда Европа Ҳамжамияти комиссиясининг комиссари жаноб Ханс Ван Ден Брук.

Давос учрашуви иштирокчиларининг диққат-эътибори Ўзбекистоннинг ислоҳотлар йўлидан олға томон қилаётган ҳаракатининг матбуотда ҳам алоҳида қайд этилган қиёсий таҳлилига қаратилди. Масалан, ўтган йил хорижий компаниялар ва халқаро банклар республикада амалга оширилаётган йирик қўшма лойиҳаларда, шу жумладан нефть-газ, автомобилсозлик, кон-қазилма саноати соҳаларида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларда иштирок этишга алоҳида қизиқиш билан қараётганини кўрсатди, дейишмоқда мутахассислар. Таниқли иқтисодчилар бу қизиқишни Президент Ислом Каримов ўтказаётган хорижий мамлакатлар савдо-саноат ва молия доиралари билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш сиёсатига мувофиқ келади, деб ҳисоблашмоқда. Айни шу сиёсат туфайли улар Ўзбекистоннинг улкан ресурслари имкониятларига, сармоядорларга берилаётган давлат кафолатларига алоҳида қизиқиш билан қарамоқдалар, дейишмоқда кўп шарҳловчилар.

Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримовнинг журналистлар билан учрашувига анжуман матбуот марказида руйхатга олинган оммавий ахборот воситалари вакилларигина эмас, анжуман иштирокчиларининг ҳам зур қизиқиш билан қарагани тушунарлидир. Ўзбекистон раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча соҳаларида ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга интилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ислоҳот-инсон хизматида

ДЕҲҚОН— АКЦИЯДОР

Ҳар бир меҳнаткашнинг хўжаликдаги улушини аниқлаб берадиган, пайчиликка ихтисослашган хўжаликлар тузиш ҳозирги даврнинг энг асосий вазифаларидандир. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти ислоҳотларни такомиллаштириб, одамларнинг манфаатдорлигини ошириб боришни, шу билан бирга деҳқоннинг хўжаликда қанча мулки борлигини аниқлаб беришни тақозо қилмоқда. Агар шу тартибда иш юритилса, ўз-ўзидан ишга муносабат тубдан ўзгариб, маҳсулот ишлаб чиқариш ортади. Энг муҳими ер ҳам, мулк ҳам ҳақиқий эгасини топади.

Юқори Чирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжалиги иқтисодиёти бақувват хўжаликлардан. Жамоа бошқаруви бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари, давр талаблари, чет эл қишлоқ хўжалигидаги иш юритишни батафсил ўрганди. Кейин аниқ хулосага келишди. 1994 йилдан бошлаб колхозни акционерлик хўжалигига айлантириш юзасидан иш олиб борилди. Жамоа аъзоларига шундай усул маъқул келди. Лекин ниҳоят машаққатли иш қилишга тўғри келди.

Чунки хўжаликда 1964 йилдан бери ишлаб кетган одамларни аниқлаш, уларнинг иш ҳақи ва стажини белгилаш керак эди.

Иқтисодчи олимлар, тажрибали мутахассислар жамоа билан бирга бир неча бор тўпланиб, маслаҳатлашиб олдилар. Хўжаликнинг шу пайтгача ишлаб кетган аъзоси ва айни пайтда меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг улуши аниқланди. Энг камида узлуксиз уч йил ишлаган киши пай олишга ҳаққи бор деб топилди. Шундай қилиб ҳозиргача жамоада 15735 киши ишлаганлиги аниқланди. Уларнинг шу давр мобайнидаги меҳнат ҳақи 183,2 миллион сўмни ташкил қилди. Шунга қараб ҳар бир кишининг жамоада қандай улуши борлиги белгиланди. Ҳозир шу улуш ҳисобига ҳар бир кишига акция бериш устида иш олиб борилмоқда. Шундай қилиб 1995 йил декабрь ойида умумий йиғилиш қарори билан жамоа акционерлик хўжалигига айлантирилди.

Биз хўжалик юритишни қай тарзда ўзгартирсак экан деб узоқ кенгашдик,-деди хўжалик раҳбари Станислав Тимофеевич Хван. — Номини ўзгартириш осон, лекин гап қандай иш юритишда. Шу боис кўпчиликнинг фикри, ҳозирги шароит ҳисобга олинди. Энг муҳими давга, бозор талабларига жавоб берадиган хўжалик тузиш мақсад қилиб олинганди.

Жамоадаги иш юритиш ички хўжалик усулида ташкил қилинган. Барча соҳалар шу тартибга буйсундирилган. Масалан, ферма, иссиқхона, сутни қайта ишлаш цехи ва бошқа ердамчи хўжаликлар шу йўсинда фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳаммасида бухгалтерия бор. Хом ашёни олиш, уни тайёр маҳсулот ҳолда сотиш, таннархни, одамларга иш ҳақи бериш, хуллас барча ҳисоб-китоб ишларини узлари амалга оширади. Ой охирида эса хўжаликка ҳисоб беришади. Банкда уларнинг ҳисоб-рақами йўқ.

Ички ижара усули хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳам тадбиқ қилинган. Ҳаммом, сартарошхона ва бошқа шохобчалар шу тартибда ишламоқда. Биз хизмат кўрсатиш даражаси ошаётганлиги, шохобчалардаги шароит ҳам яхшиланаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Демак бундай иш юритиш ўзини тўла оқлаяпти.

Ютуқлар омили оддий. Ажойиб мутахассислар, қадрларнинг мавжудлиги унинг сабабларидан биридир. Жамоада интизом кучли. Ҳар бир киши қаерда ишлашидан қатъий назар, унга тўла риоя қилади. Табийки, маъмурият ҳам буни қаттиқ назорат қилиб боради. Бу ерда яна бир нарсани ҳам айтиб ўтмасак инсофдан бўлмайди. Мавжуд техника базасининг кучлилиги ҳам муваффақият омили бўлмоқда.

Бултур хўжалик ғаллачиликдан ҳам бошқа тармоқлар қатори катта даромад олди. 1239 гектар ерда ғалла ўстирилиб, гектаридан 35 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олинди. 4688 тонна сифатли дон йиғиштириб олинди. Давлат буюртмаси бўйича ғалланинг бир қисми тозаланиб, уруғлик учун топширилди.

- Унинг ҳар бир килограммига 5 сўмдан тўланди. Уруғликнинг тозаланмаган қисми учун эса 4,5 сўмлик ҳақ берилди. Хулоса қилиб айтганда, ғаллачиликдан 19 миллион 870 минг сўм даромад олинди.

Энди унга кетган харажатлар тўғрисида. Тармоқда ишлаган одамлар учун 3 миллион 970 минг сўм, ёнилги-мойлаш маҳсулотлари учун 1 миллион 389 минг сўм, минерал ўғитлар учун 1 миллион 186 минг сўм, кимёвий дорилар учун 166 минг сўм, уруғлик учун 53 минг сўм ва ниҳоят транспорт ҳамда бошқа харажатлар учун 1 миллион 836 минг сўм сарфланди. Хуллас, ҳар бир килограмм донни етиштириш 1 сўм 83 тийинга келиб тушди. Баъзи бригадаларда бу кўрсаткич 1 сўм 67 тийинни ташкил қилади. Шундай қилиб ғаллачиликдан 11 миллион 270 минг сўм соф фойда олинди.

Ўтган йили пахта тайёрлаш режаси 107,5 фоиз уддаланиб, ҳар гектар майдондан 30 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Ҳамма тармоқлар фойда билан чиқди. Ферма, иссиқхона, сутни қайта ишлаш цехлари ҳам даромад келтирди. Хуллас, жамоада фойда келтирмайдиган соҳа йўқ. Йил якунига кўра 106 миллион сўм даромад олиш кутиляпти.

Хўжаликнинг маданий-маиший соҳадаги ютуқлари ҳам кўзни қувонтиради. Жамоа маркази гўё шаҳарчани эслатади. Еттита катта кичик стадион, 5 та клуб, 17 та болалар боғчаси ва яна бир қанча маиший муассасалар аҳоли хизматида. Янги қурилаётган уйжойларни ҳисобга олмаганда хонадонлар тўла газлашган.

«Политотдел» жамоаси республикамизда биринчилардан бўлиб, янгича иш усулини қўллаяпти. Ҳали олдинда қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммолар бўлиши шубҳасиз. Муҳими, деҳқон ўзини энди тўла хўжайинман дейишга асос яратилди. Чунки у эндиликда жамоада ўзининг қанча улуши борлигини аниқ билади. Ахир, унинг қўлида улуши ифодаланган муҳим ҳужжат-акция бор. Ҳа, юртимизда мулқдорлар синфи кенгаяверсин.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

УСТАХОНАДА ИШ ҚИЗҒИН

Биз қаерда — хоҳ шаҳар, хоҳ қишлоқ ёхуд чўли саҳрода бўлмайлик, табиийки, ҳар куни ҳазрати инсон — бободеҳқон билан юзма-юз келамиз. Очиқ ва покдомон дастурхонимиз деҳқон меҳнатидан ҳамиша обод. Бу файзиёблик — турфа нозу неъматларда ўз акссини топади. Шу маънода элимиз дастурхони — деҳқон заҳматига, қолаверса, заҳмат меваси — ризқу рўзимизга кўз...

Пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Юқори Чирчиқ» деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмаси деҳқонлари шаънига ҳам, инчунун, эҳтиром туйғусида шундай илиқ ва самимий сўзлар айтиш мумкин. Зеро, бу хўжаликни катта рўзғорга қиёс этсак арзийди. У сертармоқ жамоа. Йил — ун икки ой далаларида деҳқон тиним билмайди. Меҳнат эса доимо қут-баракага эш.

Хўжалик меҳнат аҳли ўтган деҳқончилик йилини бир-биридан қувончли натижалар билан якунлади. Пахтакорлар 685 гектар ерда дур-жавоҳир, яъни «оқ олтин»дан баракали хирмон бунёд этишди. Мўлжалдаги 1612 тонна ўрнига 1620 тонна сифатли хом ашё етиштиришди. Режа 100,4 фоизга адо этилди.

Хўш, ғаллакорларнинг ютуқлари қандай бўлди, дерсиз?! Айтиш мумкинки, чакки эмас. Бўлғой етиштирилган 185 гектар майдонда ҳосил мул бўлди. Хирмонга 762 тонна сара дон келиб тушди. Ҳосилдорлик 41 центнерни ташкил этди. Шубҳасизки, бу хўжаликда ҳам ғалла майдонлари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳосилдорлик ҳам шунга яраша кам бўлмайди. Ахир айтадилар-ку, «Довондан ошган чўққини кўзлар...» деб!

Ҳа, ларвоқе, хўжаликнинг «кумуш тола» ижодкорлари бултур йиллик режани 104, сабзавоткорлари эса 110 фоизга уддалаб, ҳар икки соҳада ҳам ютуқлар салмоғини оширишди.

Ҳар бир йилнинг ўз суврати ва сийрати бор. Заҳматлари ҳам ўзига хос. Салмоғи, ўз тошу тарозиси сарбаланд ва вазмин бўлғусидир. Шундан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, хўжалик аъзолари айни кунларда ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш йўлидан боришаяпти. Йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар изчил таҳлил этиляпти. Иншоолloҳ, кўклам яқин. Меҳнат мавсуми — долзарб паллалар остона ҳатлаб турибди. Деҳқоннинг имтиҳон кунлари тобора яқинлашмоқда. Зеро, унинг ҳар бир куни ва кунларининг ҳар бир лаҳзаси — имтиҳон.

Биз айни шу кунларда хўжалик меҳнат аҳли ҳузурида бўлдик. Ҳар доимгидек, деҳқону соҳибкор ҳам, механизатор ва сувчилар ҳам кўкламги мавсумга пухта тараддуд кўришмоқда. Улар биринчи навбатда техника деҳқоннинг қаноти эканлигини қалбан ҳис этишади. Шу боисдан техникани асраб-авайлаб, ундан оқилона фойдаланган жамоаларда ютуқлар салмоқли бўлиши табиий. Буни тўғри англаган уюшманинг фидокор механизатор ва созловчилари айни чоғда техника воситаларини созлаш ишларини авж олдириб юборишган. Курашнинг бу сафида С. Утенбаев, Қ. Қўнғирбоев, Ҳ. Усаинов, О. Холдоров сингари механизатор, таъмирловчи ва пайвандчилар бор. Уларнинг тайрат-шижоата туфайли бугунгача 11 та сеялка, 8 та чопиқ ва яна шунча ҳайдов трактори мавсумга тахт қилиб қўйилди. Техниканинг бошқа турлари ҳам соз ва тайёр ҳолга келтирилди.

— Не бахтки, жорий йилдан бошлаб ғалла бўйича давлат буюртмаси етиштирилган ҳосилнинг 50 фоизи қилиб белгиланиши, қолгани эса хўжаликларнинг ўз тасарруфига ўтказилиши айни муддао бўлди, — дейди мазкур деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмаси раиси Ермек Налибоев. — Бундан деҳқонларимиз миннатдор. Бу меҳнаткаш иқтисодиётини кўтаришга хизмат қилади.

Элимиз тинч-осойишта, кечаётган ҳар қунимиз бунёдкорлик меҳнати билан сайқал топаяпти. Илло, шундай экан, шукроналик туйғусида бир ютуғимизга яна ўн чандон ютуқлар қўшиб меҳнат қилаверамиз. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси шу ниятда тер тўкиб, меҳнатда жонбозлик кўрсатишаяпти...

Хўжалик ҳаётидан ҳикоя қилувчи бу уч лавҳа меҳнат кучларининг айрим лаҳзаларингина акс эттириши табиий. Нега, уларни бус-бутун тасвирга олиш учун не-не саъй-ҳаракат ва имконият камлик қилади. Бильакс, деҳқон меҳнати ҳамиша буюк ва беназир! Шундай бўлса-да, айрим лавҳаларни муҳтасар таништиришга жазм этдик...

Эркин ТЎЛАГАНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Техника жиловкори Ҳ. Усаинов ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор. Уни меҳнати шундай эъзозлаяпти.

2. Хўжаликнинг тажрибали механизаторлари — С. Утенбаев ва Қ. Қўнғирбоевлар бугунги кунинг пешқадамлари ҳисобланади.

3. Деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмаси раиси Е. Налибоев (ўнгдан биринчи) механизатор Р. Сарсенов, пайвандчи О. Холдоров, инженер-муҳандис А. Аҳмедовлар билан тайёргарлик чизиғига қўйилган техникалар ҳужжатини кўздан кечиришаяпти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

● 1996 йилда бошоқли дон етиштиришни кўпайтириш мақсадида Андижон вилоятининг Балиқчи тумани ғаллакорлари ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшиб ишламоқдалар. Бу йил хўжаликларда етиштирилган дон ҳосилининг тенг ярми эркин сотиш учун ғаллакорлар ихтиёрида қолдирилади.

Туман деҳқонлари 6 минг 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 55—60 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллашмоқда. Бу борада улар талайгина тажриба тўплаган. Ўтган йили туманда гектар бошига ўртача 50 центнердан дон олинди. Айни пайтда деҳқонлар экинни озиқлантириш ва суғориш ишлари билан машғул.

ТАРАДДУД

● ХОРАЗМ вилояти деҳқонлари баҳорги экиш ишларига тайёргарликни бошлаб юбордилар. Улар обҳаво қулай келаётганидан фойдаланиб, 50 минг гектар ерни текислаб бўлишди. 47 минг гектар майдон яхоб суви беришга тайёрлаб қўйилди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш, асбобускуналарни таъмирлаш ишлари авж олдирилмоқда.

ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЯДИ

● НАВОИЙ вилоятининг Конимех туманида ғалла майдонларини кенгайтиришга катта эътибор берилянти. Жумладан, «Маданият» жамоа хўжалигида 100 гектардан кўпроқ ер ўзлаштирилди. Унга кузги бўғдой экилди. Дон етиштириш кўпаяётгани уни шу ернинг ўзида қайта ишлашни тақозо этмоқда. Шу мақсадда хўжаликда ҳар куни 1,5 тонна ун тортиб берадиган тегирмон ишга туширилди.

ОЗИҚЛАНТИРИШ АВЖИДА

● ЖИЗЗАХ вилояти ғаллакорлари дон етиштиришни йилдан-йилга кўпайтирмоқдалар. 1994 йилда 240 минг тонна ғалла етиштирилган бўлса, ўтган йили бу рақам 350 минг тоннага етди. Бу йил эса аввалгидан 50 минг гектар кўп ерга уруғ сепилди. Айни кунларда экинни озиқлантириш ва суғориш ишлари авж олдирилмоқда.

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

● АНДИЖОН вилоятида келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратилмоқда. Шу кунгача 20 минг гектардан кўпроқ ернинг шури ювилди. 240 километр масофадаги магистрал ва хўжаликлараро каналлар, 800 километрли ички суғориш тармоқлари тозаланди. Мавжуд гидротехника иншоотлари, сув ўлчаш қурилмалари ҳамда насос агрегатлари тўла таъмирдан чиқарилди.

ДОНАСИ ҲАМ НОБУД БЎЛМАЙДИ

● ХУЖАОБОД мева қуритиш ҳиссадорлик жамияти Италия технологияси асосида қуритилган пиёз тайёрлашни йўлга қўйди. Бу ерда хўжаликлар ва аҳолидан сотиб олинаётган карам, сабзи, бўлғор қалампири, қизилча каби сабзавотлар ҳам қуритилмоқда.

ҚОНУНГА АМАЛ ҚИЛИШ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИНГ МУҲИМ ГАРОВИ

Мустақил Узбекистонимизнинг турли соҳалари фидойилари каби қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини ошириб бориш йўлида сидқидил меҳнат қилмоқдалар. Қисқа фурсат ичида галла мустақиллиги йўлида муҳим қадам қўйилди. Бозорларимиз Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишларнинг якунлари бўйича ҳам айрим қингирликлар фош этилган. Бу қарорни бажаришда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг жойлардаги агросаноат уюшмалари, хўжаликлар раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш, ташиш ва сақлаш жараёнида зарур тадбирларни амалга оширмаганлиги оқибатида нобудгарчилик ва хўжасизликка йўл қўйилганлиги, натижада давлатга иқтисодий зарар етказилгани аниқланиб, чоралар қўрилган. Жумладан Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари хўжаликларида чорва моллари томонидан пахта ҳосили нобудгарчилигига йўл қўйилганлиги, Сурхондарё вилоятининг Музрабод, Шеробод, Қизириқ ва Бандихон туманларидаги айрим хўжаликларда пахта йиғим-терими қатнашчиларига иш ҳақлари ўз вақтида берилмаганлиги ва бошқа ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, олди олинган. Ҳозирги кунда эса пахта саноати корхоналарида пахтани тозалаш ва қайта ишлаш жараёнида қонун-қоидаларга итоат этилиши устидан назорат олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг катта карвони йўлга чиққанига турт йилдан ошмоқда. Республикамизнинг буюк келажаги йилдан-йилга яқин келмоқда. Дарҳақиқат, галла мустақиллигига тўлиқ эришсак, меҳнаткашларнинг ризқи-насибаси бутун, дастурхони тўкин-сочин бўлади. Узбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги фармони, бу фармон қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ҳукумат қарори доимо ҳуқуқ-тартибот органларининг назоратида ва диққат марказида турибди. Экинзорларни сақлашни таъминлашга қаратилган қонунчиликнинг бажарилиши юзасидан прокурорлик назорати кучайтирилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда айрим вилоят ва туманларда, қишлоқ хўжалик бошқарув идоралари ва жамоалар маъмурияти ҳамда айрим ташкилотларнинг мутасадди раҳбарлари томонидан ушбу масалада масъулиятсизликка йўл қўйилаётганлиги билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масаладаги қарори қабул қилинган кундан буён ўтган даврдаёқ прокуратура ва милиция органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида 686 мансабдор ва бошқа айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Юзлаб мансабдорлар қонун бузилишларига йўл қўймасликлари хусусида огоҳлантирилдилар, экинзорларни пайҳон қилганлик бўйича 91 та жиноий ишлар қўзғатилди. Айбдорлардан 1,5 миллион сўмлик етказилган зарарни ундириш чоралари қўрилган. Ушбу йўналишда текширишлар кун сайин кучайгандан-кучайиб бораверади. Чунки элда айтилганидек, нонннинг ушоғи ҳам нон экан, галланинг бошоғидан яралган хирмонлар ҳам давлатимиз таянчидир.

Ўтган йилги галла ҳосилини йиғиб олиш ва давлатга топшириш чоғида ҳам қонунбузарликлар содир бўлганлиги кишини ташвишлантирмай қўймайди. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, 1995 йил 15 майдаги «1995 йилда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажарилиши юзасидан жойларда текширишлар ўтказилганида бир қатор қонунбузарликлар сири ошкор этилди.

Айрим хўжалик раҳбарлари етиштирган дон маҳсулотларини ўзбошимчалик билан нотўғри мақсадларга сарфлаганлар. Қамаши туманидаги «Галлакор» ширкат хўжалиги давлатга режага асосан 15 минг тонна галла топшириш ўрнига бор-йўғи 6.181 тонна топширгани етмагандай, 697 тонна галлани чорва молларига озуқа сифатида бериб юборилди қилиб, чиқимга чиқарган. Устигаустак турли ташкилотларга ундаб тонналаб буғдой ва арпа сотиб юборилган.

Бундай ҳолатлар Самарқанд вилоятида ҳам ўтган йил мавсуми давомида қайд этилганлиги кишини ўйлантириб қўяди. Айрим хўжаликлар давлат буюртмасини бажармасдан белгиланган тартиб-қоидаларга зид равишда галлани бартер усулида техника ва эҳтиёт қисмлар олиш учун сарфлаганлар. Энг ачинарлиси шундаки, ҳисоб-китоб интизомининг бўшлиги оқибатида вилоятнинг айрим районларида қўшиб ёзиш ва ҳақиқий рақамларни яшириш ҳоллари вужудга келган. Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўплаб галлани талон-торож қилиш ва ўғирлик ҳоллари аниқланган. Бу фактлар юзасидан 25 та жиноий иш қўзғатилган.

Қўпчиликнинг ризқ-насибаси бўлган, бободеҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган донимиз республикадан ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилаётганлиги фактлари ҳам аниқланмоқда. Масалан, Жомбой районидаги «Оқолтин» жамоа хўжалигидан А. Султонов томонидан 3.800 килограмм буғдой ноқонуний сотиб олиниб, республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда қўлга олинди. Айбдорлар жазоландилар.

Дарҳақиқат, қишлоқ меҳнаткашларига Президентимиз фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ҳуқуқий асосларини тушунтириб беришда жойлардаги прокуратура ходимлари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган. Қачонки, фуқаролар мужассам ва мукаммал ҳуқуқий билимга эга бўлса, қонунга амал қилиш масъулияти кучайиб боради. Оддий меҳнаткаш ўз ҳуқуқларининг ҳимоячиси фақат қонун эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз меҳнаткашнинг тирикчилиги бут бўлишига, оғирини енгил қилишга қаратилгандир. Демишларки, қорни тўқнинг қўшиқ айтгиси келади. Шундай экан, қайси бир таъмагир, фикри бузуқ — шахсий манфаати йўлида ҳар қандай қабиҳликларга қўл урувчи қонунбузарлар аввало оддий меҳнаткашнинг ризқу насибасига чанг солаётган экан бундайларга шафқат йўқ.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 январдаги «1996 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида» қабул қилган қарорида «Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда 1996 йил 10 февралгача пахта харид қилиш юзасидан хўжаликлар билан шартномалар тузилишини таъминлаш ҳақида топшириқ берилган. Бу топшириқ бошқа турдаги маҳсулотлар учун ҳам таалluқли деб билмоқ керак. Айтиш лозимки, деҳқон билан маҳсулот тайёрловчи ўртасида тузиладиган шартнома иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг асосидир. Узаро шартномасиз ишлаб чиқарувчи билан тайёрловчи ўртасида интизом ва қонунчиликни таъминлаб бўлмайди. Шартнома интизомига бўйсуниш, унинг шартларини сўзсиз бажариш қонун талабидир.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» тўғрисидаги пурҳикмат рисолаларидаги ушбу жумларни такрорлашни истардик.: Қонун аниқроғи қонунга итоаткорлик, Қонуннинг ҳамма нарсадан устунлиги таъминланмоқ даркор. Бу давлат сиёсатидир. Қаердаки, қайсики масъулиятли раҳбар бу сиёсатни тўғри англаб етмаса, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга тўғаноқ бўлаётган ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлат даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва бўйсуниш ҳам демакдир. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ҳам қамраб олмоғи даркор. Қонунга амал қилиш иқтисодий ислоҳотларимизни муваффақиятли гарови эканини унутишга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ.

Вали ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи.

ҲАМКОРЛИК КУЧАЯДИ

Маълумки, саноат корхоналари билан қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ўртасида ҳисоб-китоб ишларида муайян қийинчиликлар бўлгани учун ўзаро ҳамкорлик оқсамоқда. Бундан хўжаликлар ҳам: корхоналар ҳам, зарар кўрмоқда. Чунончи, хўжаликка техника воситалари сувдек зарур, лекин маблағ етишмайди, Шунга кўра, саноат корхоналари маҳсулоти харидорини тополмаяпти.

Юзага келган ушбу аҳволни бартараф этиш мақсадида «Узмашсаноат» уюшмаси раҳбарияти жойларда ўз ваколатхоналарини очишга қарор қилди. Шундай ваколатхоналарнинг дастлабкиси 1995 йил декабрида Қарши шаҳрида рўйхатдан ўтказилди.

— Ваколатхоналарни очишдан мақсад жойларда истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжларини чуқур ўрганиб, уларга маъқул келадиган тарзда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир, — дейди «Узмашсаноат» уюшмаси маркетинг бўлими бош мутахассиси Шуҳрат Қосимов. — Сир эмаски, саноат корхоналари билан истеъмолчилар ўртасида воситачилик қилаётган ташкилотлар техника ва механизмлар, эҳтиёт қисмлар нархини асоссиз ошириб юборишмоқда. Бу деҳқону чорвадорлар елкасига қўшимча юк бўлмоқда.

Эндиликда истеъмолчилар бевосита ваколатхонага мурожаат қилишлари мумкин. Лекин улар қачон келаркин деб кутиб ўтирмасдан, «Қашқадарёулгуржибиржасавдо» ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда ваколатхонамиз 8, 9, 10 февраль кунлари ярмарка ташкил этмоқда.

Ярмаркада «Узмашсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи йигирмадан ошиқ корхоналарнинг машинасозлик маҳсулотлари, халқ истеъмоли буюмлари намойиш этилади. Манфаатдор ташкилотлар ва хўжаликлар ўзларига мақбул маҳсулотларни харид қилиш юзасидан шартномалар тузишлари мумкин.

А. ШЕРОВ.

ЯНГИЧА ИШЛАШ НИМА БЕРДИ?

Нафсиламбирини айтганда, Хатирчи туманидаги А. Икромов номли жамоа хўжалиги ҳиссадорлик агрофирмасига айлантирилганда кўпчилик унинг келажагига шубҳа билан қараганди: «Ҳа, энди номи бошқача аталгани билан ер ҳам, раҳбарию одамлари ҳам ўша-ўша... Шундай бўлгач, нима ўзгариши мумкин» дея эътироз билдирувчилар ҳам топилганди. Ахир, тумандаги бир нечта хўжалик мулкчиликнинг янги шаклларига ўтган бўлса-да, бу ҳалигача ўзининг ҳеч қандай самарасини бермаётганлиги кўпчиликка аниқ-равшан эди-да. Бунинг устига агрофирма яқин-яқин йилларгача узумчиликдан фойда кўрмас, шу боис одамларнинг ерга ва меҳнатга муносабати анчайин сўнган, энг ёмони — ишлаган ҳам, ишламаган ҳам ҳақ олишда тенг манфаатдорликка эга эди. Хўжаликнинг пахтадан келадиган озми-кўпми даромадини ҳисобга олмаганда, аҳвол мушкул, одамларнинг турмуш шароити ҳам ҳаминқадар эди.

Республикамиз ҳукуматининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкчиликнинг янги шаклларига ўтиш, қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳақидаги қарорлари чиққач, табиийки, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Иш услуби ҳам ўзгариб, дастлаб звено ва оила пудратига ўтилди. Буларнинг барчаси ҳиссадорлик агрофирмаси учун ишончли пойдевор вазифасини ўтади.

— Янгича ишлаш бир йил ичидаёқ ўз самарасини берди, — дейди агрофирма раиси И. Турақулов. — Чунки биз бунга бир неча йил давомида замин ҳозирлаб келдик. Агрофирманинг 690 гектар токмайдони бўлиб, шундан 525 гектари ҳосилга кирган. Бурноғи йили 2550 тонна узум етиштириб, шундан 2500 тоннасини қуритиб, майиз тайёрладик. Пахтакорларимиз 410 тонна сифатли хом ашё етиштиришди. 117 гектар сувли ва 195 гектар лалми ердан 527 тонна галла йиғиштириб олдик. Шунингдек полиз, сабзавот, картошкадан ҳам кўзланган натижаларга эришдик.

Мавжуд токзор 722 та оиладавий пудратчига беш йиллик шартнома билан берилган. Албатта, бунда ҳар бир оиланинг ички имконияти, ишчи кучи ҳисобга олинган. Хўш, шартнома тузган томонларнинг зиммаларидаги шартлари нималардан иборат?

Биринчидан, пудратчи шартномада белгиланган режа бўйича етиштирилган ҳосилнинг 60 фоизини агрофирмага топширади. Қолган 40 фоизи ва режадан зиёдининг ҳаммаси ўз ихтиёрига қолади. Унга тўлиқ эркинлик берилган. Яъни ерининг шароитига қараб ишлов беради. Ҳеч ким унга «токни ўт босибди, вақтида очмадинг, суғормадинг» деган бўйруқни бермайди. Чунки пудратчи қай вақтда қандай ишлов бериш керакligini ўзи жуда яхши билади. Қолаверса, моддий манфаатдорлик бепарволикка изн бермайди.

Шуларнинг самараси улароқ ўтган йили пудратчилар 5-12 тоннадан майиз олдилар. Биргина М. Мамадиёров бошлиқ пудратчилар ихтиёридаги 1,40 гектар токзордан шартнома бўйича майиз топширишди. Ўз ихтиёрларида эса 7 тонна майиз қолди.

Энди агрофирмага қоладиган 60 фоиз ҳосилга келсак, ундан олинадиган даромад ҳам мақсадли харажатларга сарфланади. Шу ҳисобдан бошқарув нуфузи ошиб боради. Техника харажатлари сув билан таъминлаш, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва барча турдаги солиқлар агрофирма гарданида. Бундан ташқари маданий, маиший хизматни яхшилаш, ободонлаштириш ишлари ҳам шу ҳисобдан. Узумчиликда ҳосилдорлик 55-60 центнердан ошди. Ваҳоланки,. бу кўрсаткич аввалларги 35-36 центнер атрофида эди.

Галлачиликда ҳам ерлар пудратчиларга бўлиб берилган. Шароитига қараб сувли майдонлар ҳосилдорлиги 30-45 йентнердан белгиланган. Ойлик маош тайинланган. Ҳар бир тийинни ўйлаб сарфлашга ўрганиб бораётган галлакорлар ўтган йили кўп ишларни қўл кучи ёрдамида ўзлари амалга оширдилар. Шу боисдан ҳосилдорлик аввалги йилларга қараганда бирданига 10-12 центнерга кўтарилди. 12 тонна галла пудратчиларга бепул мукофот тариқасида берилди. Галлачиликдан 1,5 миллион сўм даромад олинди. Пахтачиликдан эса қарийб 8 миллион сўмлик даромад кутилмоқда.

Ана шулар эвазига ўтган йили аҳолига 20 тонна мой, 70 тонна кунжара, 50 тонна ун, шакар ва бошқа маҳсулотлар ўз нархида меҳнат ҳақи ҳисобидан тарқатилди. Маҳсулот айирбошлаш кенг жорий этилмоқда. Шу йўл билан хўжаликка 1,5 миллион сўмлик маҳсулот келтирилди. Қишлоқлар тўла газлаштирилди. Агрофирма балансида турган пиёк гиштлардан тикланган бино хусусий қилиб берилди. 8,5 километр масофага ичимлик сув қувури ётқизилди.

Қишлоққа саноатни олиб кириш ҳам жиддий эътибор берилаётир. Айни пайтда хом ғишт, блок ғишт ишлаб чиқаралиган, майиз қуритадиган цехлар ишлаб турибди. 1000 тонна мева сақланадиган омбор ҳам агрофирма юкини енгиллаштирмоқда. Шу йилдан бошлаб даштликдан 350 гектар янги ер ўзлаштиришга жадал суръатлар билан киришилди. Бунга вилоят сув хўжалиги бирлашмаси ҳомийлик қилаётир.

— Бу бизнинг ички имкониятимиз, — суҳбатни давом эттирди раис. — Ҳозир ишчи учун энг оғир жазо ердан ажралиб қолиш. Шартномани бажаришлари шарт. Буни улар жуда яхши билишади. Қисқаси, ер ҳақиқий соҳибини топиб бораётир. Ердан келадиган даромад эвазига ўтган бир йил ичида ишчиларимиз 12 та енгил автомашина ва бошқа буюмлар сотиб олишди. Қарийб 60 хўжалик янги иморат солди.

Мана, эътибор берган бўлсангиз, янгича иш услубида ҳеч қандай сир-синоат йўқ. Фақат у раҳбардан дадиллик, ташаббус талаб қилади.

Абдумутал НОРБОЕВ,
Исроил ХОЛБОЕВ.

Қиш бекорчилик эмас. Йилнинг бу фаслида ҳам, табиийки, далаларда ишлар бир зум ҳам тўхтамайди. Аксинча ана шу долзарб паллаларда мўл ҳосилга пухта замин яратилади, техника воситалари кўкламги мавсумга бекаму кўст шай қилиниб, дала юмушларининг қамрови кун сайин ортиб боради. Касби туманидаги Алишер Навоий номли жамоа ширкатлар хўжалиги меҳнат аҳли ҳам шу кунларда астойдил тер тўкишаяпти.

СУРАТДА: хўжалик механиги Шамси Бўронов пешқадам механизатор Шариф Шодмоновга навбатдаги ишлар хусусида топшириқ бераяпти.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Хўжалик раҳбари минбари

ИШОНЧ — ИНСОНГА ҚАНОТ

Халқ ишончи-қудратли қўш қанот. Отам Ҳаким Жўраев Улуғ Ватан урушидан ярадор бўлиб қайттач, энг оғир дамларда, сурункасига 18 йил хўжаликка раислик қилди. Қийин пайтлар эди ўшанда. Жамоа кам даромад, омборда ҳеч нарса йўқ. Эртанги кунга умид билан яшаган одамлар ажойиб ютуқларга эриша бошлади. Хўжалик тумандагина эмас, вилоятда ҳам илғорлар қаторига чиқиб олди. Ишлаганга ер ҳам бағрини очди. Одамлар дон, пул оладиган бўлишди. Кейинчалик қишлоқлар ободончилигига эътибор кучайтирилди.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини тугатиб, қишлоғимизда бир неча йил бригадирлик қилдим, сўнг участка ҳосилоти бўлиб ишладим. Халқ менга юксак ишонч билдирди, раисликка сайлашди. Мана, шунга турт йил бўлди. Ҳар йили белгиланган режалар ортиғи билан уддаланяпти. 1994 йилда ҳар гектар ердан 32,8 центнердан ҳосил олган бўлсак, ўтган йили ялпи ҳосил 2200 тоннага, ҳосилдорлик 35,4 центнерга кўтарилди. Пахтакорларимиз 621 гектар ерда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштиришди. Йиллик режа ошиғи билан бажарилди. Тажрибали деҳқонлардан Толиб Тўлаев, Салим Ширинов, Нуриддин Шамсиев, Ҳаким Зайировлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳар гектар ердан 40-42 центнердан хирмон кўтарилди.

Хўжаликда республикамизнинг галла мустақиллигига эришиш даъватига қўшилиб, сидқидилдан меҳнат қилаётган миришкорлар кўп. Баҳриддин Раҳматов, Жўрақул Бердиев, Норқул Нарзиев, Ҳамроқул Шарипов, Раҳмон Туқсонов каби оилавий пудратчилар бу борада бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Улар ҳар гектар ердан 45-55 центнердан ошириб галла етиштирдилар. Биз бултур кузгаёқ жорий йилги ҳосил учун 305 гектар ерга буғдой сепиб, ҳозир майсаларни сифатли парвариш қиляпмиз. Усмон Остонов, Абдулла Назаров бошлиқ бригадаларда экинларнинг ривожи яхши.

Деҳқонлар бу йил янги режаларни кўзлаб ишлашмоқда. Пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга кўтариш мўлжалланмоқда. Дон ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлиги ҳам оширилади. Боғ-чорбоғларга эътибор яна кучайтирилади. Жамоада 6 мингга яқин киши бор. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, турмушини яхшилаш бош мақсадимиздир. Шу боис республика Президенти фармонларини амалга ошириш учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда. «Амубухороканалқурилиши» трестининг тумандаги 6-механизациялашган қўчма жамланмаси, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш хўжаликлараро корхонаси ёрдамида бу йил Барахша чўлидан 220 гектар янги ер ўзлаштирилиб, экинзорга айлантириш режалаштирилган. Айни пайтда барча майдонлар сифатли шудгорлаб қўйилган. Ерлар чилла сувига қондирилмоқда, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқарилянти.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари сессияларида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, раҳбар ташкилотчи, сезгир ва эпчил бўлса имконият излайди. Бу галлар, табиийки зиммамизга катта масъулият юклайди. Юртбошимиз кўрсатмаларига амал қилиб, халқимизни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялашга, кўрсатилаётган маиший хизмат турларини кўпайтиришга эътибор бериляпти. Аҳолига 7 та савдо, 20 дан ортиқ хусусий дукон, халқ банки бўлими, ҳаммом, клуб, бир неча кутубхона, сартарошхоналар, радио-телевизор тузатиш устахоналари, 5 та тегирмон, мойжувозлар, ҳолвапазлик, қандолат, тикувчилик цехлари хизмат қилмоқда. Битта участка касалхонаси, иккита фельдшерлик пункти, битта бозор ҳам улар ихтиёрида кўрсатилмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийларига ҳам ҳурмат ва эъзоз кўрсатаяпмиз. Бултур аҳолига 36 тонна ёғ, 80 тонна буғдой, хўжалик аъзолари чорваси учун 85 тонна шелуха, кунжара тарқатилди. Тўймаъракалар учун гуруч, ун, ёғ, гўшт берилмоқда.

Ишимизда ҳали муаммолар кўп. 1994 йилдаги 176 тонна, 1995 йилги 293 тонна толамизнинг пулини, 1995 йилги пилла, сабзавот, сутнинг маблағларини ҳам вақтида ололмаяпмиз. Қарздор ташкилотлар қарзини ўз вақтида узолмаяпти.

Жамоада ҳар бир оилага 0,25 гектардан ер берилган. Томорқадан самарали фойдаланаётганларнинг оила аъзолари яхши яшамоқдалар. Уларда ҳамма нарса етарли. Афсуски, ерни олиб, ундан етарли фойдаланмаётган оилалар ҳам анчагина. Улар ернинг қадрига етмаяптилар. Бошқарувда бу масалалар урганиб чиқилиб, йўл қўйилаётган нуқсонлар чуқур таҳлил этиляпти.

Ҳозир бозор шароитида раҳбарнинг фаолияти — у иқтисодий ислоҳотларни қай даражада амалга ошираётганлигига қараб баҳоланади. Буни тўғри тушунамиз. Кўпга бош бўлган киши омилкор, уддабурон, ташаббускор бўлмоғи даркор. Барча соҳаларни бирдек ривожлантириш, муаммоларни вақтида ҳал этиш, аҳоли турмушини фаровон қилиш раҳбарнинг биринчи даражали фазифасидир.

Дарҳақиқат, давр имиллашни, лоқайдликни ёқтирмайди. Жорий йилда ишни оқилона ташкил этиб, янгича хўжалик юритишга ҳаракат қиляпмиз. Эл ишончига яраша ишлаяпмиз.

Неъмат ЖЎРАЕВ,
Пешку туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

СИФАТ, БЕЗАК — БОЗОР БАРОРИ

Тармоқнинг ихтисослашган корхоналари ичида «Тошкентвино» ўзгача нуфузга эга. Гап унинг соҳадаги йирик, таянч корхоналардан бири эканлигидагина эмас, балки меҳнат жамоаси неча ўн йиллар синовидан ўтган ишлаб чиқариш анъаналарини асраб-авайлаб келаётганлигида ҳамдир. Тўғри, кейинги пайтда ижтимоий жабҳада, иқтисодиёт борасида содир бўлган туб ўзгаришлар корхона фаолиятида акс этмасдан қолмади. Айниқса, 1994 йилнинг охири ва 1995 йилнинг дастлабки чорагида мураккаб вазият юзага келди. Шунга қарамай ўтган йил ёруғ юз билан якунланди. Нималарнинг эвазига? Бунга қандай эришилди?

Очиқ турдаги «Тошкентвино» ҳиссадорлик жамияти раҳбари М. АҲМЕДОВ билан суҳбатимиз ана шу саволлардан бошланди.

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг бошида фақат «Тошкентвино»мураккаб аҳволга тушиб қолгани йўқ. Соҳадаги бошқа аксарият корхоналар ҳам танг аҳволда эди. Бунга сабаб, бир жиҳатдан, илгариги иқтисодий алоқалар издан чиққанлиги бўлса, иккинчи томондан хорижий маҳсулотларнинг пештахталарни эгаллаб олганлигида эди. Боз устига, хом аше материаллари, транспорт ва бошқа харажатларнинг қутарилиши таннарх ошишига олиб келди. Натижада акциз солиги самарали ҳўжалик юритишга имкон бермай қўйди. Равшанки, бундай шароитдан чиқиб олиш учун ҳукумат миқёсида тадбир қурилиши лозим эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида юзага келган муаммоларни жадаллик билан ҳал этиш муваффақиятга олиб келувчи асосий омиллардан бири эканлигини яхши англайдиган республикамиз раҳбарияти вазиятни ўнглашга қаратилган махсус тадбирларни белгилади. Жумладан, акциз солиги тартибга солинди, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар барча савдо ташкилотлари дуконларига ичимликлар билан қонуний асосда савдо қилиш ҳуқуқи берилди. Айни шу ҳолат фаолиятимизда туб бурилиш бошланишига омил бўлди.

Яратиб берилган имкониятдан оқилона фойдалана билиш ҳам керак. Шунинг учун биз дарҳол мутахассисларимизни ўлкамизнинг турли бурчақларига жўнатдик. Улар район, вилоят ҳокимликлари, савдо ташкилотлари раҳбарлари билан учрашиб, тегишли битимлар тузиб қайтишди. Бундан ташқари, республикамизнинг барча вилоятлари марказлари, йирик шаҳарларда фирма дуконларимизни очдик.

Шу тариқа маҳсулотимизни сотишга кенг йўл очилгач, ишлаб чиқариш қувватларини тўлароқ ишга солиш мумкин бўлди. Чунончи, агар ўтган йилнинг биринчи чорагида бор-йўғи 64 минг декалитр вино, 131 минг декалитр ароқ қуйган бўлсак, иккинчи чоракда бу кўрсаткичлар мос равишда 325 минг ва 271 минг декалитрни ташкил этди. Учинчи чоракда ҳам жиддий ўсишга эришилди. Натижада йиллик режани ортиғи билан уддалаб, ишлаб чиқаришга оид барча кўрсаткичларни бажардик.

— Республикамизда спиртли ичимликлар ишлаб чиқарадиган корхоналар талайгина бўлса-да, нега харидорлар кўпинча «Тошкентвино»маҳсулотини маъқул кўришади?

— Бунинг сабаби давлат стандартларига қатъий риоя қилиб, маҳсулот сифатини доимо диққат марказида тутишимизда бўлса керак. Зеро, корхонамиз 125 йилдан кўпроқ ишлаб чиқариш анъаналарига эга. Меҳнат жамоамизнинг ўзагини ҳам йигирма, йигирма беш, ҳатто ўттиз-қирқ йилдан буён ишлаб келаётган ўз касбининг усталари ташкил этади. Мисол тариқасида ароқ қуйиш цехи бошлиғи Маҳамат ака Қосимов, вино тайёрлаш бўлими устаси Фаттоҳ ака Юсупов, спирт ишлаб чиқариш цехи бошлиғи ёрдамчиси Ботир ака Рашидов, диспечер Ольга Ивановна Ерушева, вино цехи оператори Салюта Ким ва бошқаларни тилга олиш мумкин.

Шуниси ҳам борки, корхонада ўзимизнинг спирт олади-ган цехимиз бўлиб, экологик жиҳатдан тоза хом ашёдан фойдаланамиз. Шубҳасиз, бу ҳам маҳсулотимиз сифати юқори бўлишига таъсир қилади.

— Корхонанинг муваффақиятли фаолият кўрсатишидан меҳнат жамоаси қандай манфаатдор бўлмоқда?

— Бу, аввало, маошда ўз аксини топмоқда. Агар корхона тўлиқ қувват билан ишлай олмаган пайти ўртача иш ҳақи 1091 сўмни ташкил этган бўлса, ишларимиз юришиб кетгач, бу кўрсаткич 2173 сўмдан иборат бўлди. Бундан ташқари байрамлар тантаналари муносабати билан бериладиган мукофотлар, овқат пули, арзон нархда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотиб олиб бериш, ҳордиқ масканларига йўлланмалар, тиббий хизмат харажатлари ва бошқа ижтимоий муҳофаза тадбирларига 4240 минг сўм ажратилди.

Бундан ташқари ишчи-хизматчиларимиз, ходим мутахассисларимизнинг иш шароитларини яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Утган йил июль ойидан корхонамиз очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлангач, меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзоси иш стажи ва маош миқдорига қараб акциялар тарқатилди. Бу масалада англашилмовчиликлар бўлмаслиги учун махсус комиссия тузилиб, у ҳар бир акциядорнинг улушини белгилаб берди. Энди якуний даромад бўйича барча акцияларга дуруссгина дивиденд лар тўлаш назарда тутилмоқда. Бунинг учун етарли маблағга эгамиз. Хуллас, «меҳнатнинг таги роҳатдир» деган ҳикмат жамоа аъзолари ҳаётида ўз ифодасини топиши учун имкон доирамизда тегишли тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

— Қайси ишда бўлмасин эртанинг гами олдиндан кўрилмаса, барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Шунга мувофиқ корхона истиқболига тўхталсангиз.

— Чиндан ҳам бугунги фаолиятда эртаги кунни кўздан қочирмаслик муҳим аҳамият касб этади. Бу борада қатор вазифалар олдимизда кундаланг турибди. Юқорида таъкидлаганимдек, корхонамиз 125 йилдан ошиқ тарихга эга. Ишлаб чиқариш анъаналари жиҳатдан олганда, бу, шубҳасиз, ижобий ҳолат. Асосий ускуналаримиз жойлашган ишлаб чиқариш цехларининг иморатлари хусусида эса бундай деб бўлмайди. Замонавий технологияларга мос тарзда уларни таъмирлаш, янгилаш лозимлиги кун сайин яққолроқ сезилмоқда. Лекин биз учун ҳозир энг долзарб муаммо-спирт таъминотидир. Илгари у асосан Россия ва Украинадан келтирилар эди. Иқтисодий алоқалар издан чиқиши натижасида бу соҳада тез-тез узилишлар бўляпти. Натижада республикамиздаги спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўпгина корхоналар бот-бот қийин аҳволга тушиб қолмоқда.

Бу кўнгилсиз ҳолатга барҳам бериш учун «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси раҳбарияти ҳукуматимизнинг ёрдамида зарур тадбирларни кўрмоқда. Биз ҳам қўл қовуштириб ўтирмасдан Чирчиқдаги кимё машинасозлиги заводи мутахассислари билан тегишли асбоб-ускуналар тайёрлаб бериш юзасидан шартнома туздик. Харажатлар учун маблағ ажратилган бўлиб, иш кун сайин қизимоқда. Уни кутилганидек тарзда поёнига етказсак, корхонамиз қундалик эҳтиёжини деярли қоплайдиган даражада хом ашёни четдан излашга ҳожат қолмайди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш билан бир қаторда идишларга ва ёрлиқларга замонавий тус бериш тадбирлари кўрилмоқда. Шу мақсадда Москва вилоятидаги «Госхрусталь» ишлаб чиқариш бирлашмасига юз граммдан то бир литргача ҳажмдаги ихчам идишлар учун буюртма бердик. Хуллас, эртага бугунги кундан ҳам унумлироқ ишлаш, қурилиши ва сифати юқорироқ маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича саъй-ҳаракатларни сусайтирмаяпмиз.

— Бу саъй-ҳаракатларингиз, режаларингиз муваффақиятли амалга ошиши учун қайси масалаларга эътиборни кучайтириш лозим деб ҳисоблайсиз?

— Республикамиз раҳбарияти, биринчи навбатда ҳурматли Президентимизнинг корхона ва ҳўжаликларга эркин ҳўжалик юритиш учун кенг йўл очиб берганлиги тадбиркорлик ва омилкорлик билан фаолият юргизиб, аксарият муаммоларни мустақил бартараф этишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда. «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси мутасаддилари ҳам ёрдамини аяшаётгани йўқ. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнида юзага келаётган барча масалаларни ўзимиз ечишга ҳаракат қиляпмиз. Лекин баъзи масалалар борки, уларни ҳукумат миқёсидагина ҳал этиш мумкин. Тиқин учун ишлатиладиган фольга масаласини олиб кўрайлик. Ҳозир уни Россиядан келтиришга мажбур бўляпмиз. У ёқдагилар эса хоҳлаган нархини белгилашяпти. Бу маҳсулотимиз таннархи кўтарилишига олиб келмоқда. Агар тиқин учун фольгани ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, маҳсулотимиз анча арзонлашиши турган гап. Бу унинг рақобатбардошлиги ҳам ортади, демакдир.

Винони фильтрлаш, ёрлиқлар тайёрлаш учун сифатли қоғозлар муаммоларини ҳам ўзимизда ишлаб чиқариш хусусида жиддий ўйлаб кўрилса, ёмон бўлмасди. Шубҳа йўқки, масала моҳияти уни ҳал қилишга қодир мутасаддиларга етказилса, албатта ижобий ечимини топади. Зеро, ҳукуматимиз, юртбошимиз мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, самарали ҳўжалик юритишга қаратилган барча тадбир ва ташаббусларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашмоқда.

Бу эртанги кунга ҳам, узоқ истиқболга ҳам катта ишонч уйғотади. Эл-юрт фаровонлиги йўлида янада қизғин фаолият юргизишга ундайди...

Суҳбатдош: Ш. АЛЛАМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Тадбиркор — элга мададкор

Чорвадорлик Тожиаҳмадга нафақат ота касб, балки бобомерос ҳисобланади. Шуролар давлати тузилгунга қадар уларнинг оиласи чорвачилик билан шуғулланишган. Минг афсуски, янги давлатнинг баъзи бир карчолонлари қанчадан-қанча тадбиркор, ишбилармон кишиларни турли баҳона, бўҳтонлар сабаб ўз юртларидан узоқларга бадарга қилишди. Ана шундай аччиқ қисмат Тожиаҳмад Пардаевнинг бобоси — раҳматли Зокирбой Йўлдошев тақдирида ҳам жароҳатли из қолдирди.

Мана бугун Тожиаҳмаднинг падари бузруквори Пардабой ота Йўлдошев, минг шукрки, қарилик гаштини сураяпти. Қалбидаги ўчмас, аламли дамлар ҳали-ҳали хотирасидан кўтарилмайди. Буни қарангки, Пардабой отанинг ҳам бутун вужудида тўкинчиликка интилиш туйғуси мужассам. Шунданми, у ҳам фарзандларини ота-боболар анъаналарига садоқатли бўлишга чорлади. Бир умр Чуст туманидаги Алишер Навоий номли жамоа ҳўжалигида чорвачиликни юксалтиришга ҳормай-толмай ҳисса қўшган Пардабой Йўлдошевнинг фарзанди — Тожиаҳмад олдин ҳўжаликнинг турли соҳаларида ишлади. Қаерда бўлмасин ҳалол, сидқидил меҳнати билан ҳурмат топди. Истқлол туфайли юртимизда ҳамма соҳага эътибор ошганлиги сабаб Тожиаҳмад ҳам тадбиркорликка томон йўл тутди.

— Дастлаб падари бузрукворим билан маслаҳатлашиб, сунгра ўша пайтдаги ҳўжалигимиз раиси, ҳозирда эса туман деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси раҳбари Жўрабой Маҳмудов ҳузурига бордим, — дейди Т. Пардаев. — Фикрларим маъқул тушгач, ишни бошлаб юбордим. Ҳўжаликдан ижарачи чорвадор сифатида 30 минг сўм қарз ва 3 гектар ер беришди, 12 бош новвос, 1 та «Т-28» тракторини олдим. Бугдой экиб, 40 центнердан хирмон кўтардик. Такрорий маккажўхори ҳосили ҳам чакки бўлмади. Гектарига 600 центнердан тушди.

Иншоолло, Пардаевлар оиласи саъй-ҳаракатлари зое кетмаётир. Йилдан-йилга қорамоллар сони ортмоқда. Гарчи асосий йўналиш бўрдоқичилик бўлса-да, мавжуд 20 бош сигирдан ҳам мўл-кўл сут соғиб олинаяпти. Сутнинг анча миқдори 35-мактаб ўқувчиларига бепул берилаяпти, ортиқчаси эса Чуст деҳқон бозорида сотиляпти. 1993 йилдан фаолият кўрсата бошлаган бу жамоа эндиликда «Бунёд» фермер ҳўжалигига айланди. Ҳозирда техникалар сони 10 тага етди. Айни пайтда 60 бош қорамол, 20 та қўй, 100 бош парранда, 2 бош от боқиляпти. 1995 йили 30 тонна дон, 30 тонна сабзавот, 7 тонна пахта етиштирилди. Ихтиеридаги 13 гектар ердан унумли фойдаланиляпти.

— Фермер дегани тинимсиз меҳнат экан, — дейди Тожиаҳмад аканинг турмуш ўртоғи Рисолат ая. — 8 фарзандим билан эллаб турибмиз, ишимиз осон кўчаяпти демайман. Очиғини айтганда, мустақиллик туфайли биз каби чорвачиликни ҳўш кўрадиган кишиларга ҳамма шарт-шароитлар яратилди.

Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, фермерлар аграр ислоҳот тузумининг биринчи қалдиргочлари, уларнинг қанотини синдирмаслик керак. Кўрсатилаётган бир яхшилик минг яхшилик билан жавоб қайтарилаяпти. Буни «Бунёд» фермер ҳўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамоа аъзолари турли байрам-тантаналарда фаол қатнашган ҳолда кам таъминланган оилаларга ҳам меҳр-мурувватини аяшмаяпти. Шу йилнинг ўзида ана шундай мақсадларга 3 тонна гўшт харажат қилинди, бундан бир қисми хайр-саховат тариқасида бепул тарқатилди.

Ишларнинг осон кетиши-кўпроқ фермерларнинг ўзига боғлиқлигини ҳаёт тасдиқлаяпти. Масалан, Тожиаҳмад Пардаев ўзи тажрибали ҳайдовчи ва механизатор, ўғиллари Баҳромжон, Одилжонлар ҳам оталари каби ана шундай мутахассисликларга эга. Кувончлиси шуки, оиланинг икки фарзанди шу ернинг ўзида муқобил хизматни ўтаяпти.

Мен фермерман, деб қўл қовуштириб ўтирмаслик Пардаевлар оиласига мумай даромад келтираяпти. Улар шундоққина ҳовлисига туташ ташландиқ ерни ўзлаштириб боғ ташкил этишди. Бу ерни ажиб мевазорга айлантирди. Турли-туман ноз-неъматлар бисёр,айниқса, Чуст нокининг харидори кўп. Ана шу боғнинг ўзидан йилига 10-15 минг сўм даромад олинаяпти.

Гап шундаки, Тожиаҳмад азалдан нолиб яшашни ёмон кўради. Муаммоларни мумкин қадар ўз кучи билан ҳал қилишга интилади. Тўғри, туман ва вилоят раҳбарлари зарур ёрдамни беришаяпти. Бу ҳақда Чуст тумани ҳокими Рауфхон Муртазоев шундай ҳикоя қилади:

— Туманимизда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич муваффақиятли олиб бориш ҳаракат қилаяпмиз. Яхши ният ва қутлуғ мақсадлар билан бошланган деҳқон-фермер ҳўжаликлари ҳаракати дуруст натижалар бераяпти. Уларга 3969 гектар ер ажратиб берилди. Ҳозир мустақил равишда 260 фермер фаолият кўрсатяпти. 154 та машина, 54 транспорт трактори, 15 та қишлоқ ҳўжалиги техникаси мавжуд. Бу соҳага туманда узоқ йиллар турли лавозимларда самарали фаолият кўрсатган, тажрибали ва тадбиркор инсон — Жўрабой Маҳмудов раҳбар. Ҳозирда 980 қорамол, 365 бош сигир, 1777 бош қўй-эчки, 5900 бош парранда боқиляпти.

Тожиаҳмад Пардаев раҳбарлик қилаётган «Бунёд» фермер ҳўжалиги каби «Ахча», «Ўзбекистон» жамоа ҳўжаликларидаги «Саховат», «Ўктам» каби фермер-ҳўжаликлари ҳам дуруст натижаларга эришмоқда.

Бизнинг мақсадимиз туман шароитидан келиб чиқиб, деҳқон-фермерлар мададига таянган ҳолда қорамолчилик, қўйчилик ва эчкичиликни, умуман, чорвачиликни ривожлантирмоқчимиз. Шу билан бирга мева, сабзавотчилик, картошкачилик ҳам даромадли ва баракали соҳага айланади.

Дарҳақиқат, Чустда ислоҳот қалдиргочлари бўлмиш Тожиаҳмад Пардаевга ўхшаган сабр-тоқатли, меҳр-шафқатли, ғайрат-шижоатли кишилар жуда кўп. Бундай тадбиркор, омилкор ишбилармон кишилар бор жойда кўзланган мақсадлар рўёбга чиқаверади.

Абдунаби ҚОРАБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҚЎШ ХАБАР

Майдонларни кенгайтирмасдан ҳосилдорликни ошириш бугуннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бунинг учун эса деҳқончилик маданиятини чуқур билмоқ, ердан, сувдан, ўғитдан фойдаланиш меъёрини илмий асосда ўрганмоқ зарур. Шу ниятда республика «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари Ғаллаорол туманидаги «Истиқбол» жамоа ширкат ҳўжалиги деҳқонлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Ҳўжалик тажриба ўтказиш учун олимларга 5 гектар майдон ажратган. Мутахассислар бу ерда янги навларни синовдан ўтказиб, ғаллакорларга ҳосилдорликни ошириш борасида йўл-йўриқлар кўрсатишяпти. Олимлар маслаҳати, илғор тажрибалар асосида иш юритаётган ғаллакорлар салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Утган йили «Интенсив», «Ёнбош» каби янги навларни экиб 45—50 центнердан ғалла етиштирган миришкорлар, бундан кейин ҳам олимлар билан ҳамкорликда ишлашга аҳд қилишди.

Биринг икки булиши учун бугун тадбиркор, ишбилармон шу билан биргаликда уддабурон бўлмоқ керак. Ўзбегу қоракалпоқлар эса азалдан ҳунарманд, уддабурон «халқ». Ишонмасангиз Ҳўжайлидаги «Май» ҳиссадорлик жамияти фаолиятига бир назар ташланг. Жамоа ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаганига қарамай бирмунча муваффақиятлар қўлга киритилди. 34 киши меҳнат қилаётган жамоада ўтган йилнинг ўқуқлари бўйича 10 минг сўмдан зиёд дивидент олиш мўлжалланмоқда. Бу катта гап албатта. Ҳиссадорлар бу ютуққа ички имкониятлардан тўла фойдаланганлари эвазига эришдилар. Олдинлари чиқит сифатида ташлаб юборилаётган шоли чиқиндиларини йиғиштириб олиб тегишли корхоналарга сотишмоқда. Шунингдек корхонада 800 тоннагача ўсимлик ёғи ҳам тайёрланмоқда. Тадбиркорлик туфайли қўлга киритилган фойда корхонанинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун сарфланмоқда.

Республикамизда ғалла майдонларининг кўпайиши турли тонфадаги тегирмонларга эҳтиёж уйғотди. Зомилик Йўлдош Ўразалиевнинг бу соҳадаги изланишлари ҳам муваффақиятли якунланди. У бугдойни олий нав унга айлантиришга қодир тегирмон ихтиро қилди. Бу тегирмонда тортилган ун истеъмолчиларга ғоят манзур бўлиб, узоқ-яқин қишлоқлардан етиб келаётган мижозлар талайгина.

СУРАТДА: Йўлдош Ўразалиев ўзи яратган тегирмон ишини назорат қилмоқда.

Б. ТЎРАЕВ олган сурат (ЎзА).

1992 й 6-февраль № 10 15.X

ФЕРМЕР ҲИММАТИ

Норбобо Ҳазратқуловни тадбиркор йигит дейишади. У бир ишга қўл урдими, охирига етказмай қўймайди. Яккабоғ туманидаги Ш. Рашидов номли ширкат ҳўжалигида узоқ йиллар масъул вазифаларда ишлаб катта тажриба ортирган Норбобо Ҳазратқулов, — Ҳамма бирдек, астойдил меҳнат қилиб, тадбиркорлик билан иш тутса, ҳаётимиз шунча тез фаровон бўлади. Фаолиятимизни кенгайтириш ниятида 30 гектар ер майдони олдик. У ерда бўлтур ғалла етиштирдик. Ҳозирги вақтда 50 тоннадан ортиқ сомон, 20 тоннага яқин беда, 10 тонна ем заҳирамиз мавжуд. Моллар учун 50 метр узунликда молхона қурдик.

Бу йилги режаларимиз янада катта. 60 тонна серқаймоқ сут, 12 тонна гўшт етиштириш ниятидамиз. Қувончлиси, ишимиз натижасидан эл ҳам, ўзимиз ҳам манфаатдормиз.

Келажакда фермамиз ёнида сутни қайта ишлаш цехи қуришни режалаштирганмиз. Қишлоқда дўкон очиб сариёг, чакки, қатиқ, сузма ва пишлоқ сотишни ташкил этамиз. Натижада маҳсулот исрофгарчилигининг олди олинади, даромад янада ортади. Бузоқхона, чорвадорларга ошхона ва дам олиш хоналари ҳам бунёд этамиз.

Шунингдек, қишлоғимиздаги Рузиқулов номли ўрта мактабдаги иқтидорли ўқувчиларга 2 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берамиз. Байрамлар муносабати билан, танловларда юқори ўринни эгаллаган ўқитувчи ва ўқувчиларни мукофотлаш учун маблағлар ажратяпмиз.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

Қоракўлчилик: мулоҳаза ва таклиф

ЯЙЛОВ ХАЗИНАСИ

Мамлакатимизда қоракўлчиликни ривожлантириш бугунги куннинг бош вазифаларидан биридир. «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасида чоп этилган «Қоракўлчилик шуҳрати тикланадими?» (6.10.1995) мақоласида кўтарилган долзарб масалалар биз, мутахассисларнинг қўпдан буён дилимизга тўғиб юрган гапларидан эди. Улар савол тариқасида тайёрланган. Ҳақиқатан бу соҳа жуда кўп саволларга жавоб кутаётир. Шу боис қоракўлчи олим сифатида баъзи фикр ва мулоҳазаларимизни айтишни лозим топдик.

Қоракўлчилик илмий тадқиқот институтининг музейига хорижданкеладиган меҳмонлар ранг-баранг қоракўл териларини қўрганларида ҳайратланишлари бежиз эмас. Ҳилма-хил мўйна тери бериш бўйича дунёда қоракўл қўйлари билан рақобатлаша оладиган ҳайвон зоти йўқ. Чет эллик меҳмонларга соҳа тўғрисида гапирар эканмиз, қоракўл териси бизнинг нафақат моддий бойлигимиз, балки маънавий, маданий бойлигимиз ҳамдир деймиз. Чунки қоракўл терилари ўзининг жозибадорлиги билан санъат асаридек инсонга завқ-шавқ, илҳом бахш этади.

Қоракўлчилик чорвачиликнинг экстенсив соҳаси. Бу зотли қўйлар йил — ўн икки ой яйловда боқилади. Унинг маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан чўл яйловларининг ҳолатига боғлиқ. Орол денгизи, атроф муҳитнинг чўл яйловлари ҳолатига салбий таъсири йилдан-йилга кучайиб бораётир. Бу ҳол соҳа тақдирига экологик нуқтаи назардан қараш ва баҳо беришни талаб қилади. Республикадаги 25 миллион гектар яйловларнинг 17,5 миллион гектари чўл яйловларидир.

Узбекистон босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтмоқда. Мақсад, ҳар соҳа ўз имкониятидан самарали ва тўлиқ фойдаланиб жаҳон талабларига мос маҳсулот етиштиришдир. Хусусийлаштириш чоғида, айниқса, қоракўлчиликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслик катта хаталарга олиб келиши мумкин.

Яйловларда чўпон ва мутахассисларнинг хусусий қўйлари ҳўжаликники билан қўшиб боқилади. Шунинг учун шахсий молларнинг аниқ сонини билиш қийин. Юқорида тилга олинган мақолада таниқли мутахассис шу соҳа кишиларининг дилидаги гапларни айттан. У «Нишон» қоракўлчилик ҳўжалигида раҳбар бўлиб ишлаганда чўпонларнинг хусусий қўйларини ажратиб, алоҳида боқишни ташкил қилишга кўп уринди. Лекин ҳеч натижа чиқмаган. Бунинг сабаби шунда эдики, чўпон хусусий молларидан олинган маҳсулотнинг бир қисмини давлатга топшириб, эвазига маълум имтиёз ва мукофотларга сазовор бўларди. Соддагина айтганда, икки хил мулк бирбирини тўлдириб, бир-бирига ёрдамлашиб келган.

Шунинг учун қоракўл қўйларининг маълум қисмини давлат ва бошқасини хусусий молларга ташкил қилади дейишга асос бор. Энди ҳамма гап бу муносабатларни мувофиқлаштириш, қонунлаштиришда. Бунга эришишда аввал яйловларда боқилаётган молларнинг аниқ ҳисоб-китобини, туёқ сонини билиш лозим.

Қоракўл республикамизнинг олтини, пахтаси, пилласи қаторида қайтадан ўз муносиб ўрнини эгаллаши зарур. Бунинг учун қўйидаги тадбир ва чоралар амалга оширилиши даркор:

Биринчидан, Ўзбекистонда етиштирилаётган қоракўлнинг лоақал 30-40 фоизи халқаро кимошди савдосида сотилиши лозим. Бундай халқаро аукцион қадимий Бухоро ёки Самарқанд шаҳрида ташкил этилса, унда қоракўлтери етиштирадиган Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон, Эрон каби давлатлар ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашишлари мумкин бўларди.

Иккинчидан, аукционларда фақат юқори сифатли қоракўл терилар сотилишини назарда тутсак, наслчилик ишларини яхши йўлга қўйиб, қоракўл терининг янги-янги навларини яратишни тезлаштириш муҳим вазифаларимиздан бирига айланади. Бу эса соҳани жадал ривожлантиришга замин ҳозирлайди.

Учинчидан, қоракўл қўй жунларининг жуда арзон бўлишига қарамай ҳўжаликларда харидор топилмай йиғилиб қоляпти, уларга ишлов бериб тола (пряжка) тайёрлашни йўлга қўйиш керак. Шунда ундан гилам, полос ва бошқа матолар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш натижасида жунни юқори нархларда сотиш имкони туғилади. Ҳўжаликларда эса жун толасидан маҳсулот тайёрлайдиган кичик корхоналар ташкил қилса бўлади.

Қоракўлчиликнинг келажаги кўп жиҳатдан чўл яйловларнинг ҳолатига боғлиқ. Яйловлар ҳолати ёмонлашувининг сабабларидан бири боқилаётган мол туёқ сонининг яйловлар табиий меъёр сигимидан зиёдлиги натижасида мувозанатнинг бузилишидир. Бу ҳол яйловлардан интенсив фойдаланишга олиб келаётир. Мол сони асосан аҳолининг шахсий чорваси ҳисобига купайиб борган бўлиб, унинг аниқ ҳисоби ҳеч қимга маълум эмас. Фикримизча, чўл яйловларида экологик мувозанатни сақлаш, уни фитомелиорациялаш бўйича ўзоққа мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида айтганимиздек, қоракўлчилик ўзига хос соҳа. У кўп жиҳатдан давлат муҳофазасига муҳтож. Бундан ушбу соҳа боқиманда соҳа экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Гап шу ҳудудда яшовчи аҳолининг ижтимоий ҳимояси даражасини ошириш ва иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш тўғрисида бораётир. Ҳатто тараққий этган мамлакатларда ҳам қишлоқ ҳўжалигининг баъзи зарур тармоқлари давлат муҳофазасида эканлиги маълум.

Ў. ОРИПОВ, Қоракўлчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.
Р. ВАЛИЕВ, Ўзбекистон қоракўлчилик илмий — тадқиқот институти бўлим мудири.

ХОНАДОН КЎРКИ, МЕҲМОН ИЗЗАТИ

Ҳар бир халқ санъат-сарларида, ҳунармандчили-руюмларида покизалик, са-матлик йулида қилинган ка-меҳнат рамзи бор. Яхшис-сузимизни дашшуй ва обд-лан бошлай қолайлик. а меҳмон келдими, дарро-амимий ку-тиб оламиз. Ел-а сочиқ, ута одоб билан ғ-лда дашшуй, иккинч-лда обдаста унинг қулл-га оз-ондан уч марта сув -иб, сочиқ тута-миз. Ота-бо-аримиз қўлга сув қуйишни, савобли иш ҳисоблаш. Шунинг учун қадимдан -бини олай деб сув қуйиш-аш булган. Меҳмон қулин-виб булгач, «сувдек серо-, муродингга ет» деб дуо-ан.

-одатларимизга кура қўл юв-ч, силкитилмайди. Ма-бо-билибми-билмай, қули-лкитиб қўйса макрух бў-ъни ҳаром булди, де-эс-б, қайта ювдиришга. Бу -ак удум кейинги пайларда -е халқлари, жумла-н, ов-поликларга ҳам -аяпти. -лар «Нима учун уч-арта сув қуйилади?» деб қ-йиб су-райлиган булиб қ-лди. «Ҳамма нарсани учин-мартаси мусулмончилик -ғ-даларида қабул -илинган» деб қ-яқоламиз. «Уч март», «етти марта», «қирқ марта» -лқ урф-одатларига қадим-н сингиб кетганлиги бежизмас.

Меҳмо-рчилик, тўй-ҳашамларда -ақимиз ута одоблили, сахий-иқ кунгил, юксак маданиятл-эканлиги ҳамма-ба-қадам-илиб туради. Ким келса, ш-и, гадоми авал тур-га утказ-вақтини хушлаб, қулга-шуй, обдаста, елкада сочиқ-ув қуйиш одатдир. Ҳеч -ини тополмаса меҳмон-ув келганда ва чиқиб кетаетг-да albатта қўлга сув қуйиш-ат булган. «Ана у ерда сбор, сочиқ ҳам турибди, қ-нгизни ювиб олақолинг!» деб буйруқ бериш одобга кирмаган. Мезбон шу гапи билан меҳмон ҳурматини жойига қуймаетганини дарров фаҳмлаган. Қадимдан одат булиб қолган энг гузал бу удум ҳали ҳам кўпгина қишлоқларда давом этяпти.

Халқ усталари томонидан меҳмон учун яратилган дашшуй, обдасталар кандакор-наққош қулида, пулат қаламларда сайқал топган. Турли хил садаф, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Меҳмон ниҳоятда гузал ишланганидан буюмлар нақшидан завқ олиб, таъби равшан тортган, кайфияти кутарилган. Энг қувонарлиси, эндиликда туркий халқ хонадонларида ота-боболаримизга завқ ва шавқ улашган мисгар, кандакор усталарнинг гузал буюмлари қайтадан пайдо булаетир.

Халқимизнинг одамийлиги, ешни улугларга, мискин, бева-бечора, ногирон-беморларга меҳрибонлигини яна бир халқ санъати туфдонлан ҳам билиш мумкин. Бу муъжаз, ихчамгина нақшли мис буюм биринчи навбатда хонадон соҳиблари бобо-момоларимиз ҳурмати учун кашф этилган. Бу буюмни дуч келган жойга ташлаб кетиш одобдан эмас. Уни тозалаб қўйиб, авайлаб сақлашни кексалар яхши билишган. Уйга меҳмон келганда чекадиганлар жажжи туфдонлардан фойдаланишган. Меҳмонлар учун алоҳида чиройли, бежирим, сернақш туфдонлар қўйилган.

Никоҳ тўйларида келин-куёв совуқ кезларда шамоллаб қолмасликлари учун ичига чўг солиб исинадиган манқал кашф этилган. У тез қизиши учун мисдан ясалган булиб, қуриниши жажжи шаҳар еки қаср қўрғонини эслатади. Тўй базмида бу буюм келин-куёв олдига қўйилган. Келин-куёвларга мулжалланган манқал қўрғончаларида муҳаббат ва вафо рамзи ифодаланган жуфт-жуфт қушлар сурати тасвирланган. Бошқа пайтларда ишлатиладиган манқалларда фақат қўрғончалардан булак тасвирлар булмаган.

Мисгарлик, кандакорлик санъатида хонадон кўрки, меҳмон иззат-ҳурматини жойига қуйишга мулжалланган мисбаркаш, патнис, мис лаган — лаъл, гирдимлар ҳам булган. Мисбаркаш айланма ой, қуёш тасвирида яратилган. Мисгар мисбаркашни ясаб булгач, одатдагидек кандакор унга турли хил пулат қалам ва болгачаларда нақшлар туширган. Мисбаркаш ой ва қуёш қуринишида булса-да, юз тарафига яна бир неча шундай айланма, чизма, уйма расмлар чизилган. Катта-кичик сайёралар тасвирлари мисбаркашларни янада салbatли, нафис курсатади. Мисбаркаш нақшлари кўпинча фақат айланма бир хил булиб, мевачевалар қуйишга мулжалланган. Патнис, лаган — лаъллар эса хилма-хил тунука, мис, баъзида олтинлардан ҳам ишланган. Бу буюмлар ҳажман катта, кичик ишланганлиги билан фарқ қилиб, кўпинча улар тўй-маросимларда қулланилади. Тунука патнисларга мусаввир-наққошлар турли манзара, ҳатто жонли мавжудотлар суратларигача чизиб, мой буеқларда сайқал беришган.

Музей хоналарида чет элликларни лол қолдириб келаетган миллий халқ санъатидан бири гирдимдир. Меҳмондан сўзласак, «гирдим ясатиб қуйдингми?» дейишади. Гирдим бошқа буюмлардан фарқ қилиб, фақат меҳмон учун мулжаллаб яратилган. У тўрт бурчак, хонтахта, курси (танча)лар устига қуйиш учун мулжалланган. Меҳмонни баҳридили очилиб ўтирсин деган мақсадда ута нозик нақшлар билан ички томонларини ҳеч бир жойи буш қолдирилмай кандакор-наққош томонидан безатилган. Мисдан ишланган ҳар бир буюм қадим замонлардан бери тоза булиши учун ачиган қатиқ билан ювиб турилган. У ниҳоятда тозалигидан, ранг-баранг товланиб туришидан тиллони эслатган. XIX—XX аср урталарига қадар хонадонларимизда мисдан ясалган мис қошиқ, мис косалар ҳам булган. Бу рузгор идишларининг хусусияти шундаки, улардан фойдаланиб, ювилиб турилмаса какра маза берувчи кукимтир ранг ҳосил қилади. Лекин бу таҳир мазаликдан бирор киши чўчимаган. Унинг боиси айрим касалликларда даво булган. Масалан, танада темир моддаси етишмай қолганда мис идишлар мадад берган. Айниқса, энг хавфли касаллик вабо касаллигига кумуш, олтиндан ясалган (таом истеъмол қилувчи) идишларни жаҳонгашта Искандар Зулқарнайн қандай синаб кўрган булса, мисдан ясалган идишлар ҳам инсон ҳаетини оғир хасталикдан сақлаб қолишга ердам бераркан. Булардан ташқари хотин-қизлар учун мисдан ясалган махсус усмадонлардаги усма суви қуюқ тортиб, қошга қўйганда тез қотади, у қошни қорайтириб, усма ранги узоқ сақланади. Шунингдек, у аёллар кайфиятини кутариб, бош оғриги касаллигидан сақлаш хусусиятига ҳам эгадир. Мис идишдан ҳосил булган мисранг оксидлар инсон саломатлигига зиён етказувчи зараркунандалар кушандаси. Ҳатто мис жомда соч қатиқ билан ювилса, у тез ва соглом усишини момоларимиз жуда яхши билганлар. Демак, уларни қайта тиклаш буюкликка қайтиш йулидаги энг муҳим қадамлардандир.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос.

Авлодлар ибрати



УЛГУРЖИ ЯРМАРКА — НОЗ-НЕЪМАТ КЎЗГУСИ

Иқтисодиетимизда тобора чуқур илдиз отаётган бозор муносабатларининг тартиб-қоидалари, усуллари ва бошқа жиҳатлари янада яққол намоён булмоқда. Қурғазмалар ташкил этиб, улгуржи ярмаркалар утказиш, шартномалар тузиш асосида маҳсулот етиштирувчилар билан уларни сотувчиларнинг узаро ҳамкорлигини йулга қуйиш бозор иқтисодиетининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Бундай тадбирларни утказиш биржалар фаолиятининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.

Шу соҳада кенг қуламдаги ишларни амалга ошираетган Узбекистон Республикаси мол, ҳом аше биржаси яқинда агросаноат мажмуаси маҳсулотларини улгуржи сотиш юзасидан ихтисослаштирилган ярмарка утказди. Бу тадбирга Қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Узмевасабзавотузумсаноат», «Узтайёрловсавдо», «Узпаррандасаноат», «Қоракул», «Асал», «Узқишлоқхўжаликтаъминот-тузатиш», «Ипак», «Балиқ» сингари уюшма, бирлашма ва бошқа республика идоралари тизимидаги хўжалик, корхона ҳамда ташкилотлар таклиф этилди.

- Ушбу ихтисослаштирилган улгуржи ярмаркада «Узмевасабзавотоузумсаноат» уюшмаси, «Узтайёрловсавдо» бирлашмасининг хўжалик ва корхоналари фаол қатнашдилар, — дейди Узбекистон Республикаси мол, ҳом аше биржаси бошқаруви раиси Шуҳрат Муҳамедов. - Уч кун давом этган мазкур тадбирда мева-сабзавот маҳсулотлари, консервалар ва бошқа ноз-неъматлар харидорларга таклиф этилди. Шундай озиқ-овқат молларини ва агросаноат мажмуи маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан умумий миқдори 44 миллион сўм булган 20 та шартнома имзоланди.

Дарҳақиқат, маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчилар, сотувчиларнинг узаро мулоқот қилишига зарур шарт-шароит яратиб берилган ушбу қурғазмада кўпгина амалий битимлар тузилди. Харидорлар эътиборига 6200 тонна қуруқ мева, 1,5 минг тонна қуритилган сабзавот маҳсулотларини тавсия этган Наманган вилояти Турақурғон туманидаги «Ширинлик» ҳиссадорлик бирлашмаси вакиллари ярмаркада алоҳида ажралиб турдилар. Абдулҳай Жўраевич Азизов бош директор булган ушбу бирлашма вакиллари Москва ва Тошкентнинг «Азия группа» қўшма корхонаси билан 10 миллион сумга, Красноярск ҳамда Тошкентнинг «Гамма - Сервис» қўшма фирмаси билан 6,5 миллион сўмлик қуруқ мевага, қуритилган сабзавот маҳсулотларига шартнома туздилар. Бирлашма таъминот ва сотиш булими бошлиғи Маҳмуджон Раҳмонов биз билан суҳбатда шундай деди:

- Бу ярмарка ҳамкорларимиз сафини янада кенгайтирди. Ҳозирги пайтда Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатларидаги, Болтиқ бўйидаги кўпгина фирма ва савдо ташкилотлари билан маҳсулотларни сотиш юзасидан иш олиб бораяпмиз. Узбекистон Республикаси мол, ҳом аше биржаси ташкил этган мазкур ярмаркада тузилган шартномалар кўп томондан, айниқса икки жиҳати билан сотувчиларга ва харидорларга манфаатлидир. Хусусан, маҳсулот чет мамлакатларга чиқарилган пайтда валютанинг 15 фоизини Марказий банкка сотиш мажбуриятидан

халос этилади. Иккинчидан, лицензия ҳужжатларини расмийлаштиришга ҳожат булмайди. Бу иккита енгиллик мол, ҳом аше биржаси уюштирадиган ярмаркаларда фаол қатнашишга ундайди. Бирлашмамиз вакили Нозимжон Мамадалиев билан имкон қадар кўпроқ шартномалар тузишга ҳаракакт қилиб, бирмунча яхши натижаларга эришдик. Аҳил жамоамиз шундай ярмаркаларда фаол иштирок этиш билан бирга бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Жамоамиз шу муносабат билан апрель ойида Францияда буладиган тадбирларга серқуёш юртимизнинг ширин-шакар ноз-неъматларини жунатади.

Ихтисослаштирилган улгуржи савдо ярмаркасининг бошқа қатнашчилари ҳам ҳамкорликни кенгайтириш имкониятига эга булдилар. Кейинги ярмаркалар янада самарали булишига шак-шубҳа йуқ.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Суратларда: 1. «Ширинлик» бирлашмаси бўлим бошлиғи М. Раҳмонов (ўртада)».
«Дружба» фирмаси вакиллари — М. Герцберг ва А. Слободов билан шартнома тузиш юзасидан фикрлашмоқда. 2. «Ширинлик»нинг маҳсулотлари.

Н. Муҳаммаджонов олган суратлар.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

● Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши ишчи ва хизматчилари учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда Германиянинг «Винклер» фирмасида тайёрланган замонавий ускуналар билан жиҳозланган новвойхона фойдаланишга топширилди. Ҳозир ҳар кеча-кундузда 2,5-3 тонна нон ёпилмоқда.

ЯНГИ МАКТАБ

● Термизда фойдаланишга топширилган уч қаватли замонавий мактаб биноси 1014 ўқувчини бағрига олди. Янги мактабнинг ишга туширилиши билан шаҳардаги жами ўқувчиларнинг 94 фоизи бир сменада ўқийдиган бўлди.

Ч. ТУХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

ТУМАН ТЕЛЕСТУДИЯСИ

● Дангара туманида «Юлдуз» янги телестудияси фаолият кўрсата бошлади. Ҳафтада уч марта эфирга чиқадиган бу телестудия вилоят ва туман ҳаётига оид ранг-баранг кўрсатувлар тайёрлайди, ислоҳотларни амалга оширишдаги ютуқ ва муаммоларга алоҳида ўрин берилади. Унинг хизматидан Наманган вилоятининг Чуст ва Поп тумани аҳолиси ҳам баҳраманд бўлади.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Наманган шаҳар Давлатобод тумани ички ишлар бўлимининг ходимлари Михаил М. деган шахсни ўта маст ҳолда ушладилар. У ҳушёрхонага келтирилгач, қўлидаги сумкадан ажралишни хоҳламади. Сумка очиб қаралганда, ичида портловчи модда ва учга хонаки портлатиш қурилмаси борлиги аниқланди.

Портловчи моддани қаердан олган, ундан қандай фойдаланмоқчи бўлган? Кайфи тарқаган Михаил М. терговчининг бу саволларига жавоб беришига тўғри келади.

(ЎзА).

ҚЎЛИ ЕНГИЛ ЖАРРОҲ

Раҳмат, доктор, умрингизга барака топинг, — шифоргга иltижоли боқди беморнинг ҳаррўҳлик столидан кўтарилгач олиб қўйилаетган беморнинг шифокорга айтган бирина шу сўзлари Эшмуҳаммадга қанчалик қувонч келтиргилигини билсангиз эди...

— Эҳтиеткорлик билан беморни палатасига олиб бориб ётқизингилар, — ҳаррўҳлик булимига беморлар тез-тез келиб туришарди. Беморни кўздан кечириб аниқ ташхис қўйгач, операция йули билан дарддан фориг этди.

Тунги соат учларда марказий шифохона ҳовлисидаги осойишталикни жарроҳлик булими енига келиб тухтаган автомашина овози бузди. Бу пайтда Эшмуҳаммад Маҳсумов операциядан энди чиқиб, дам олишга тараддудланаетган эди.

— Кечирасиз, доктор, Жейнов қишлоғидан келишибди, — деди навбатчи ҳамшира шифокорга.

— Яхши, беморни тезда хонага олиб киринглар.

Жарроҳлик булими зинасидан юқорига кўтарилаетган кишиларнинг қадам товушларидан шу нарса аён бўлдики, беморнинг орқасидан бир неча қариндошуруғлари келишган эди.

— Ҳа, отахон, Сизга нима бўлди? — деди нажот излаб маъюс тикилиб турган беморга.

— Э, ўғлим ўзим билмай қолдим, — секин жавоб қилди кекса отахон. — Алламаҳалда Сизларни ҳам безовта қилганимдан афсусдаман. Кўпдан буён бир дард қўзғаб юрибди. Шу кеча умуман ухлай олмадим. Безовталигимни кўрган ўғилларим тўғри шу ерга олиб келишди.

Беморни Эшмуҳаммад обдон текшириб, унга қуйидагича маслаҳатни берди:

— Отахон, бу кеча Сиз бироз ётиб, дамингизни олинг. Эртага яна бир қайта кўрамиз.

Эртасига Эшмуҳаммад ҳамширага операция учун зарур асбобларни тайёрлаб қўйишни буюриб, ўзи Ражаб бобо ётган палатага кирди.

— Ассалому алайкум, отахон. Саломатлигингиз қандай? Мана бугун дарддан фориг бўласиз.

— Э, дўхтир болам-а... Агар мени операция қилиб, танамга тиг теккизадиган бўлсанг, қўй ўзингни ҳам, мени ҳам қийнама. Ёшимни яшаб, ошимни ошадим. Умрим бўлса яшарман, бўлмаса Худо берган умрни яшадик...

— Унлаи деманг, ҳали кўп яшайсиз, — далда берди Эшмуҳаммад.

Палатанинг эшиги очилиб, навбатчи ҳамшира ҳамма нарса тахт эканлигини маълум қилди. Бу пайтда бемор Ражаб бобонинг қариндош-уруғлари, невара-чеваралари тўпланишганди.

— Ўғлим, майли мени апараска қилишингга розиман. Фақат бир утинчим бор. Тўпланганлар ичида кенжа набирам келмабди. Ушани ҳам бир кўрай, у етиб келгунча кут.

— Набирангизни операциядан чиққандан сўнг ҳам кўраверасиз. У келгунча дардингизни енгиллатирамиз, — кулги аралаш гапирди шифокор.

— Ие, ҳали апараскадан чиқаманми? — ажабланиб сўради Ражаб бобо Эшмуҳаммаддан. — Манаман деган дўхтирларинг кўп текширишди. Лекин бирон наф кўрганим йўқ.

...Операция муваффақиятли тугади. Эндигина палатага утказилган бемор Ражаб бобо кенжа набирасини кўрганида кўзига еш олди. Бу унинг севинч ёшлари эди.

Юқоридагидек мисолларни шифокор ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин. Айни чогда Эшмуҳаммад Маҳсумов, Қосим Эргашев, Ҳасан Ашуров, Қосим Тухтаев сингари жарроҳлар билан бирга баҳористонликлар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида самарали меҳнат қилаетир.

— Эшмуҳаммад Маҳсумов ишга келган дастлабки кунидаёқ помуқликлар тилига тушганди, — дейди туман сугурта идорасининг бошлиғи Рузинназар Раимқулов. — Иссиқ танда иситма булади. Қисқа вақтда бир неча қариндошларимиз хасталаниб, шифохонага тушганида жаррох Э. Маҳсумов уларнинг дардига малҳам бўлганди. Баҳористонлик ҳар бир кишидан шифокор шаънига айтган илиқ сўзларни кўплаб эшитиш мумкин.

Айни пайтда туман марказий шифохонасининг жарроҳлик булимига раҳбарлик қилаетган шифокор оилада меҳрибон ота ҳамдир. Турмуш ўртоғи Муборак Тураева ҳам шифокор. Фарзандлари камоли йўлида меҳнат қилаетган шифокорнинг бундан кейинги ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Шавкат СУЛТОНОВ.

«НАВБАҲОР» ДАСТАСИ

Наманган вилоятида тузилган янги ашула ва рақс дастасига «Навбаҳор» номи берилди. Узбекистон халқ артисти Турсуной Мамедова раҳбарлик қилаетган бу ижодкор жамоа Фарғона рақс мактабининг олдинги шуҳратини тиклашни мақсад қилиб қўйган. Даста репертуарига жаҳон халқларининг рақслари, эстрада қўшиқлари ҳам киритилади.

«Навбаҳор»ни тузиш учун маблағни вилоят сув ҳўжалиги бошқармаси ажратди. Бошқарма дастанинг доимий ҳомийси булади. Артистлар машқ қилиши учун хоналар, катта концерт зали даста ихтиерига бериб қўйилган. Вилоят сув ҳўжалиги бошқармаси чолғу асбоблари, либослар ва бошқа анжомлар харид қилишга кетадиган харажатларни тўлашни зиммасига олди.

ДАРМОНДОРИ ВА САЛОМАТЛИК

Турли усимликларнинг нитратлар тўпланиши турличадир. Масалан, сабзи, шолғом, лавлаги, турпда помидор еки нўхотга нисбатан нитратлар кўпроқ йиғилади. Худди шундай илдизмевалилар ўртасида ҳам фарқ бор: лавлагида нитратлар сабзига нисбатан сероб булади, пиёзда эса янада камроқдир.

Бир усимликнинг турли қисмларида ҳам турлича миқдорда нитратлар йиғилиб қолади, чунончи нитратлар лавлаги баргларида илдизига нисбатан икки ҳисса кўпдир.

Нитратлар оз-кўп булиши ҳарорат ва еруғликка ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам еруғлик етарли булмаган иссиқхоналарда етиштирилган сабзавотлар таркибида нитратлар кўпроқдир. Нима булганда ҳам, ҳосил йиғиштирилишидан икки-уч ҳафта олдин минерал ўғит бериш тўхтатилиши керак.

Шунда усимлик таркибида юзага келган нитратлар мураккаб ва хавфсиз бирикмаларга айланади. Йиғиштириб олинган сабзавотлар, айниқса қукатлар салқин жойда сақланиши керак. Акс ҳолда ҳарорат юқори булса еки еруғликда нитратлар миқдори кескин ортиб кетади.

Сабзавотларни йиғиштириш муддати ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ғўр, ҳали етилмаган сабзавотларда нитратлар кўп булади.

Шуниси ҳам борки, картошка ва бодрингда нитратлар асосан пўстлоққа яқин жойда тўпланади, карам ва сабзида эса ўрта қисмда. Шу боис бодринг ва картошка пўстлоғини қалинроқ кесиб ташлаган маъқул.

Сабзавотлар тегишли шароитларда узоқ сақланса, нитратлар сезиларли даражада камаяди. Чунончи, қиш буйи сақланган сабзавотларда улар деярли йўқолади.

Сабзавот таркибидаги нитратни имкон қадар камайтирмоқчи булсангиз, карам, сабзи, лавлагини қайнатиб олмоқ, жоиз. Сув қанча кўп булиб, сабзавотлар қанча майда тўғралган булса, шунча яхши.

Эртаги қукатларни қайнатмасдан бир-икки соат совуқ сувга солиб қўйилса ва сув бир неча марта алмаштирилса, зарарли бирикмалардан тозаланади.

Сабзавотларни консервалаш ҳам ғоят фойдалидир. Масалан, озгина уксус қўшиб, қопқоғи ҳаво кирмайдиган қилиб бекитилган идишларда бодринг таркибидаги нитратлар бир кеча-кундуздан сўнг деярли саксон фоизга камаяр экан.

Сабзавотларни тузлаш борасида ҳам шундай. Лекин тузни меъёрида ишлатиш зарур. Шу боис ёз-куз пайтлари бодрингни кичик идишларда тузлаб еган мақсадга мувофиқдир.

Яна шу нарса аниқланганки, А, Е, С витаминлари киши танасида нитратлар юзага келишининг олдини оладиган дармон дорилар тоифасидан булиб, уларни мунтазам истеъмол қилиш инсон сиҳат-саломатлиги гаровидир.

Билиб қўйган яхши

Муҳаббат ҚОДИРОВА,
уй бекаси.

ДОШҚОЗОНЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Тошкентдаги ташкилот КПЭСМ-60 типидаги, турли катталиқдаги дошқозонларни сотади.

Шунингдек, бу ташкилотдан узунлиги 3 метр булган, рузғорда ишлатиладиган, безак берилган алюмин карнизларни ҳам сотиб олишингиз мумкин.

Маҳсулотлар шартномавий нархларда сотилади. Улар учун харидорга мақбул усулда ҳисоб-китоб қилинади.

Мулоқот учун телефонлар: 41-86-00, Соат 16.00 дан кейин 24-70-40.

ЕР УЧАСТКАСИНИ УЙГА АЛМАШТИРАМИЗ

Тошкент шаҳар Сергели-8 мавзесидаги 6 сотих ер участкасини кўп қаватли уйнинг икки еки уч хонали хонадонига алмаштирамиз.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Зангиота тумани Навоий номли жамоа хўжалиги, Навруз маҳалласи, Х. Абдуллаев кўчаси 41-уй.

Мулоқот учун телефон: 41-33-03.

Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги Наманган тумани Қ. Солиев номли жамоа хўжалиги раҳбари Қутбиддин ҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИС: «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ
ҲОМИЙ: «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г—063, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.